

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI
ADLİYA VA İGİDA
AVLAT RO'YXATİBDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3006
2018 yil 5 may



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИННИГ
ҚАРОРИ

Россия Федерацияси худудида вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси худудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнданги 400-сон “Россия Федерацияси худудида вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси худудида комплекс имтиҳон ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қарор қилади:

1. Россия Федерацияси худудида вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси худудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазiri

Тошкент ш.,

2018 йил « 04 » апрель
12-k/b сон

А. Хантов



Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазiri

Тошкент ш.,

2018 йил « 4 » апрель
7-2018 сон

И. Маджидов



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази

Тошкент ш.,

2018 йил « 4 » апрель
04/kis - сон

М. Каримов



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Давлат тест марказининг 2018 йил 4 апрелдаги
12-к/қ, 7-2018, 04/кк-сон қарорига
ИЛОВА

**Россия Федерацияси ҳудудида вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга
оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси
ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнданги 400-сон “Россия Федерацияси ҳудудида вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Россия Федерацияси ҳудудида вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Комплекс имтиҳонни ўтказишни ташкил этиш Россия Федерацияси ҳудудида вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг комплекс имтиҳондан ўтишини ташкил этиш бўйича бош ваколатли олий таълим муассасалари (бундан буён матнда бош ваколатли олий таълим муассасалари) томонидан амалга оширилади.

2. Комплекс имтиҳон бош ваколатли олий таълим муассасалари томонидан комплекс имтиҳон ўтказиш марказларида (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилади.

3. Комплекс имтиҳон ўтказиш бош ваколатли олий таълим муассасалари ва Россия олий таълим муассасалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳонларни ўтказиш ҳақидаги икки томонлама шартномаларга асосан тартибга солинади.



2-боб. Комплекс имтиҳон ўтказишни ташкил этиш

4. Марказ томонидан комплекс имтиҳон топшириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бошланганлиги ҳақида оммавий ахборот воситалари ва Марказнинг расмий веб-сайтида эълон берилади. Шунингдек ушбу маълумотлар Марказнинг барча шахслар кириши ва кўриши мумкин бўлган жойлардаги эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

5. Эълонда комплекс имтиҳонда иштирок этишни истаган шахслар (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни қабул қилиш муддатлари, шунингдек Марказнинг манзили ва мурожаат учун телефон ракамлари кўрсатилади.

6. Талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни қабул қилиш учун Марказ директорининг буйруғи билан масъул ходим тайинланади.

7. Талабгор ҳужжатлар қабул қилинадиган муддатларда тегишли ҳужжатларни Марказга тақдим этади.

8. Талабгордан Марказ томонидан берилган эълонда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Масъул ходим талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқлигини кўриб чиқади ва ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда уларни қабул қиласди.

10. Масъул ходим талабгорга ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхат беради.

Талабгорнинг ҳужжатлари сақланиши бўйича масъул ходим жавобгар ҳисобланади.

11. Қабул қилинган ҳужжатлар асосида Марказ директори томонидан комплекс имтиҳон ўтказиш куни ва вақти белгиланади.

12. Комплекс имтиҳон ўтказиладиган кундан камида 3 кун олдин масъул ходим талабгорга комплекс имтиҳон ўтказилиш куни ва вақти ҳақида ҳабар беради.

3-боб. Якуний қоида

13. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.